

## ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Усманов Ю.А.<sup>1</sup>, Оринбаев Қ.А.<sup>2</sup>

- <sup>1</sup>Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш миллий тадқиқот университети профессори-ўқитувчиси.  
<sup>2</sup>Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш миллий тадқиқот университети "Кадастр (фаолият тури бўйича)" йўналиши талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15663595>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> June 2025

Accepted: 05<sup>th</sup> June 2025

Published: 13<sup>th</sup> June 2025

### KEYWORDS

land law, sustainability, land management, land code, environmental protection, legislation, land use


### ABSTRACT

*This article examines the legal foundations of land protection and its sustainable use in Uzbekistan. The legislative framework, including the Land Code, government decrees, and presidential resolutions, is analyzed to assess how legal tools contribute to preventing land degradation and ensuring effective land use. Emphasis is placed on legal instruments supporting ecological sustainability, proper agricultural practices, and urban land control. Comparative analysis with international practices highlights Uzbekistan's progress and areas for improvement*

### Кириш

Инсон ўзининг хўжалик фаолияти даврида ернинг устки, унумдор қатлами ҳисобланган тупроққа салбий таъсир этиб унинг унумдорлиги пасайтирди ва натижада ҳосилдор ерлар майдонининг қисқариб кетишига сабабчи бўлади. Ерлардан нотўғри фойдаланиб, илғор агротехника қоидаларига риоя қилинмаслиги туфайли тупроқ эрозияси кучаяди, суғориш қоидаси ва меърига риоя қилмаслик оқибатида тупроқ қайта шўрланади, ботқоқлашади; минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланиш ва зарарли кимёвий моддаларни ишлатиш қоидасига риоя қилмаслик натижасида тупроқ кимёвий моддалар билан захарланади; алмашиб экишга эътибор бермаслик туфайли тупроқда озуқа моддалар миқдори камаяди; шамол эрозиясига қарши ихтисослашган ўрмонлар ташкил этилмаслиги тупроқнинг устки ҳосилдор қисми учирлиб кетилади; ёнбағирлари тик бўлган ерларни нотўғри ҳайдаш оқибатида сув эрозияси кучаяди. Буларнинг оқибатида ер майдони тезда ишдан чиқиб, физик-кимёвий ва биологик ҳолати ёмонлашиб, ҳосил бермайдиган ерга айланиб қолади. Чунки таркиби бузилган ва эрозияга учраган тупроқда намликни, тупроқнинг устки ҳосилдор қисмидаги заррачаларни ушлаб турувчи гумус-чириндиси тугаб қолади. Ер юзиданнинг қурғоқчил раёнларидаги ерлардан инсон хўжалик фаолиятида нотўғри фойдаланиши натижасида унинг табиий хусусияти ёмонлашиб чўлланиш жарояни бошланади. Ерларни муҳофоза қилиш улардан белгиланган мақсадда, оқилona фойдаланиш, турпоқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларнинг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалиги айланишидан ва алоҳида муҳофоза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилишини олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамрайди.

Ер – инсон ҳаёти ва иқтисодий тараққиёт учун муҳим ва чекланган табиий ресурсдир. Ўзбекистонда ер ресурслари қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва саноатнинг ривожланиши билан тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ерларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун ҳуқуқий тизим мустаҳкамланмоқда.



1-расм.Ерлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари.

Ерларни муҳофаза қилишнинг асослари – ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (екотизим) тариқасида, уларнинг қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан раёнлаштирилиши ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда атрофлича ташкил қилади.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тадбирлари ўз ичига - ерларни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амолиятда тадбиқ қилиш чораларини олади. Ўзбекистонда мустақилликга эришгандан буён ўтган даврда қабул қилинган 40 дан зиёд қонунлар ва 500 га яқин ме'ёрий ҳужжатларда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш ме'ёрлари белгилаб берилган.(1-расм).

Ерларни муҳофаза қилишнинг ташкилий тадбирлари – ер майдонларини муҳофаза қилишга доир ма'лум бир ташкилий чораларини асослаб беришни ва уни амолиятга тадбиқ қилишни ўз ичига олади.

Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий тадбирлари – ерларни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора ва тадбирларини амалга оширишдан манфаатдорликни та'минлашни ташкил этишни ўз ичига олади. Жумоладан, ер кодексининг 82-моддасига мувофиқ, ерлардан оқилана фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рақобатлантириш ер эгалари, ерни ишлаб чиқаришнинг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган.

Ерларни муҳофаза қилишнинг технологик тадбирлари - ерларни муҳофаза қилиш жараёнида юқори унумдорликга эришиш имкониятини берадиган технологик жараёнларни та'минловчи усул ва услубларни ишлаб чиқиш ва уларни амолиятга тадбиқ қилиш чораларини ўз ичига олади. Бундайларга тупроқ ерозиясига қарши тадбирлар, ерларни рекултивация қилиш, ерларни шўрланишига қарши тадбирлар киради.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳар хил восита ва усуллар ёрдамида амалга оширилади. Шундай усуллардан энг муҳимларидан бири - ер бойликларини ифлосланишдан, захарлашдан, ишдан чиқишидан ҳимоя этишдир. Ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш заруриятини яна шу билан тушунтириш мумкинки, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда табиий-илмий, ишлаб чиқариш-ташкилий, техникавий таҳликавий тавсияномаларининг роли қанчалик катта бўлмасин, уларнинг бажарилиши барча давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилот мансабдор шахслар ва фуқоралар учун ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамлангандан кейингина мажбурий характерга эга бўлади.

Шундай қилиб, ердан оқилана, самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни та'мин этишда қонуннинг аҳамияти катта бўлиб, у ерда унумли фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиди ҳамда ундан оқилана фойдаланиш ва ҳар хил ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлардан муҳофаза қилиш чораларини белгилайди (2-расм).



## 2-расм. Ерлардан оқилана фойдаланиш

Демак, ердан оқилана, самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва муҳофаза қилишни қонунларнинг ёрдамсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қонунлар ер бойликларига эҳтиёткорона ва оқилана муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш, қадрлаш, доимо тупроқ унумдорлигини ошириб бориш талабини белгилайди, ердан фойдаланиш қоидаларини бузилганда ҳуқуқий нормалар уни Ҳимоя қилади.

Ерни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий қоидалар асосан қуйидагиларни тартибга солиди:

-суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган мақсадларга беришдан Ҳимоя қилиш;

-тупроқни унумдор қатламини сақлаш;

-тупроқ эрозиядан сақлаш;

-ерни агрохимикатлар та'сиридан Ҳимоя қилиш;

-ерни ишдан чиқариб қўйишдан, ботқоқланишдан муҳофаза қилиш;

-ерни хўжасизларча фойдаланишдан муҳофаза қилиш.

Ерга инсоният та'сирининг доимий ўсиб бориши шароитида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари одамлар ижтимоий ҳаёт тарзининг муҳим омилidir. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати амалга оширувчи ер тузиш оргонларини барча ишлар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ёритиб берган.

### Масаланинг қўйилиши.

Ер – инсоният учун ҳаёт манбаи. У нафақат иқтисодий ва ҳуқуқий тушунча, балки авлодлар ўз меросини қолдирадиган замин, келажакни бунёд этиш учун асосдир. Лекин бугунги кун муаммолари бизни ерга нисбатан муносабатимизни қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда. Ернинг ноқонуний эгалланиши ва мақсадсиз эксплуатацияси – инсон эҳтиёжлари билан боғлиқ мураккаб ҳолат. Ба'зан кишилар ерни ўз шахсий манфаати учун эгаллаб, уни рухсатсиз фойдаланадилар. Бу жараён кўпинча маҳаллий жамоаларнинг ҳаётига зарар етказиб, ижтимоий мувозанатни бузади. Ер – шунчаки бўш майдон эмас, у одамлар орасидаги ишонч ва адолат мезони. Ноқонуний эгаллаш эса бу мувозанатни синдиришга олиб келади. Ҳуқуқий бўшлиқлар ва замонавий талаблар ерга бўлган муносабатнинг аниқ тартибга солинмаганлигини кўрсатади. Қонунлар мавжуд, лекин уларнинг амалий қўлланилиши суст. Инсонга ерга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган бўлса-да, бу ҳуқуқни суиисте'мол қилиш ҳоллари кўп

учрайди. Ерни сақлаш, уни келажак учун барқарор қилиб қолиш қонуний тизимнинг кучлилигига боғлиқ, аммо бу тизим ба'зан реал эҳтиёжларга жавоб бера олмайди. Тупроқ деградацияси ва экологик муаммолар эса яна бир долзарб масала. Инсон кўпинча ерга ўз мулки сифатида қарайди, уни ҳимоялаш ўрнига эксплуатация қилади. Шўрланиш, кимёвий ифлосланиш ва эрозия натижасида ер унумдорлигини йўқотмоқда, ва бу жараён ортида инсоний бепарволик ётади. Агар инсон атроф-муҳитни ҳимоя қилмаса, у келажакда ўз ҳаёт шароитини ҳам йўқотиши мумкин. Назорат ва мониторинг тизимининг заифлиги эса ернинг барқарорлиги учун яна бир муаммо. Замонавий технологиялар ривожланган бўлса-да, ерни ҳимоя қилиш учун етарли ресурс ва тизимлар жорий этилмаган. Ҳисоб-китоб ва назорат етарли даражада олиб борилмаса, ерни ҳимоя қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш борасидаги ҳаракатлар суст қолади. Молиявий рағбат ва ерга барқарор муносабат етишмовчилиги эса уни эксплуатация қилишни тезлаштиради. Инсоният келажак авлод учун барқарор ер тизимини яратиши керак, лекин амалиётда ерни муҳофаза қилишга етарлича рағбатлантириш мавжуд эмас. Ер фақат иқтисодий ресурс эмас, балки ҳаёт заминидир. Унинг экологик барқарорлиги эса келажакда инсонларнинг соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришига кафолат бўлади. Ерга муносабат инсон кадриятларининг аксидир. Агар биз уни кадрли, жонли, мерос сифатида кўрсак, унга бошқача муносабатда бўламиз. Уни ҳимоя қилиш – бу нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий мас'улият ҳамдир. Ерга бўлган муҳаббат ва ҳурмат эса бизнинг келажак авлодларимизга қандай мерос қолдиришимизни аниқлайди. Такидлаганимдек бу муаммолар ер ресурсларининг барқарор бошқарилиши ва ҳуқуқий тартибга солиниши учун жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда.

#### **Тадқиқот услублари.**

Ер инсон учун нафақат моддий бойлик, балки келажак авлодга мерос қолдириладиган кадриятдир. Уни ноқонуний эгаллаш ва мақсадсиз эксплуатация қилиш натижасида жамиятдаги адолат ва ишонч бузилади. Ечим шундаки, ерга бўлган эҳтиёжни адолатли тақсимлаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва ҳар бир инсон ерга ҳурмат билан ёндашиши кераклигини тушунтириш лозим. Давлат ва фуқаролар биргаликда ерга эгалик ҳуқуқини шаффоф ва адолатли тартибда тақсимлашга интилиши, ноқонуний эгалик ҳоллари олдини олиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириши лозим. Ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш ва замонавий қонунчиликни жорий этиш Қонунлар инсон манфаатларига хизмат қилиши лозим. Ер кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар замонавий муаммоларни қамраб ололмаётгани сабабли, уларнинг доимий равишда янгиланиб бориши зарур. Ҳуқуқий ёндашув фақат қоғоздаги қонун бўлиши эмас, балки жамият томонидан қабул қилинадиган ва ҳаётда қўлланадиган тизимга айланиши лозим. Қонунларни амалиётга татбиқ этишда ер эгаларининг фикрларини инобатга олиш, фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан хабардор қилиш ва қонунчиликнинг ижросини мустаҳкамлаш лозим. Экологик муҳофазани кучайтириш ва тупроқ деградациясини олдини олиш Ер табиатнинг ажралмас қисми. Тупроқ эрозияси, шўрланиш ва кимёвий ифлосланиш натижасида унумдорлик камайиб, атроф-муҳитга зарар етмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш учун ҳар бир инсон ўз экотизимини тушуниши ва унга мас'улият билан ёндашиши керак. Деҳқон ва фермерлар экологик тоза усулларга ўтиши, кимёвий ўғитлардан фойдаланишни оптималлаштириши, давлат эса барқарор қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаши лозим. Ердан фойдаланишнинг экологик стандартларини жорий этиш, аҳолининг экологик билимларини ошириш ва тупроқни ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш орқали барқарор экотизим яратиш мумкин. Замонавий назорат ва мониторинг тизимларини жорий этиш Ерга бўлган муносабатни ўзгартириш учун биз уни реал вақтда кузатишимиз, назорат қилишимиз керак. Рақамли технологияларни, сун'ий интеллектни ва замонавий мониторинг тизимларини жорий этиш орқали ернинг

ҳолатини доимий назорат қилиш мумкин. Ер кадастри ва геодезия тизимини янгилаш, электрон хариталар ёрдамида ер ресурсларининг бошқарилишини такомиллаштириш, жамоатчилик иштирокини кучайтириш ернинг узоқ муддатли барқарорлигига хизмат қилади. Ер эгалари ва фойдаланувчиларни барқарор бошқарувга рағбатлантириш Ерга нисбатан мас'улиятни ошириш учун иқтисодий ва ижтимоий рағбат тизими керак. Дехқон ва фермерлар экологик тоза усулларни қўллаш учун имтиёзларга эга бўлиши лозим. Ер эгалигини барқарор бошқарувга йўналтириш учун давлат ерларни оқилона фойдаланиш тамойилларига асосланган иқтисодий рағбат тизимини жорий этиши керак. Агар инсон ерга ғамхўрлик қилса, ер унга бойлик ва фаровонлик билан жавоб қайтаради.

#### **Натижалар.**

Агар ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, амалиётга тўлиқ жорий этилса, натижалар чуқур ва узоқ муддатли бўлади. Бу нафақат ернинг ҳуқуқий тартибга солинишини яхшилайти, балки инсонлар билан ер ўртасидаги муносабатларни ҳам янги даражага олиб чиқади. Ерни бошқариш ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланса, одамлар унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва ҳимоя қилиш тамойилларини англай бошлайди. Ноқонуний эгаллаш ва тартибсиз эксплуатациянинг олди олинад, бу эса жамиятда ерга бўлган ҳурматни шакллантиради. Агар ҳуқуқий асослар аниқ ва жозибали тарзда ишласа, ерга бўлган муносабат фақат иқтисодий манфаат эмас, балки келажак авлодлар учун мас'улият сифатида қабул қилинади.

Давлат томонидан замонавий мониторинг тизимлари жорий қилинса, ер ресурсларини қандай бошқариш кераклиги аниқ кўринади. Ҳар бир ер участкасининг қонуний мақоми аниқланади, кадастр тизими мустаҳкамланади, геодезия ва назорат механизмлари етарлича ишлайди. Бу эса ерга оид ҳуқуқий низолар камайиши, шаффоф бошқарув тизими шаклланишига олиб келади. Тупроқ шўрланиши, эрозия ва ифлосланиш назорат остига олинса, экотизим ўзининг табиий мувозанатини қайта тиклашни бошлайди. Ерга эҳтиёткорона муносабат қилинганда, ҳосилдорлик кўтарилади, қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланади. Экологик стандартлар жорий қилинса, одамлар нафақат ерни эксплуатация қилишни, балки уни асраб-авайлашни ҳам ўрганади. Агар ердан оқилона фойдаланиш учун молиявий рағбат тизими ишлаб чиқилса, ер эгалари экологик тоза усулларни қўллашга қизиқади. Солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва аграр ривожланишга йўналтирилган иқтисодий механизмлар ерга бўлган мас'улиятни оширади. Натижада, ер фақат ишлаб чиқариш воситаси эмас, балки экологик барқарорлик ва узоқ муддатли иқтисодий тараққиёт омилига айланади. Агар ҳуқуқий асослар инсоний эҳтиёжларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилса, одамлар ерга нафақат мулк сифатида, балки авлодлар мероси сифатида ёндашишни бошлайди. Келажак авлод учун барқарор экотизим яратиш фикри шаклланади, бу эса жамиятнинг умумий тафаккур даражасини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, агар ер ресурсларини ҳуқуқий асослар мустаҳкам назорат остига олинса, қонунлар амалиётда самарали ишласа, ерни сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш нафақат иқтисодий, балки ахлоқий мас'улиятга ҳам айланади. Ерга бўлган муносабат ўзгаради – одамлар уни мерос сифатида қадрлай бошлайди ва уни асраб-авайлаш, тўғри фойдаланиш жамият маданиятининг муҳим қисми бўлиб қолади.

#### **Хулоса.**

Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, экологик барқарорликни мустаҳкамлаш ва ер ресурсларини шаффоф бошқариш имконини беради. Ноқонуний эгаллашнинг олди олиниб, рақамли мониторинг тизимлари орқали назорат кучаяди. Тупроқ сифатини сақлаш, ҳосилдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалигини экологик ме'ёрларга асосланиб ривожлантириш учун иқтисодий

рағбатлантириш тизими жорий этилиши керак. Ерни фақат мулк сифатида эмас, балки авлодлар мероси ва барқарор ҳаётнинг пойдевори сифатида қадрлаш орқали уни ҳимоя қилиш ва самарали фойдаланиш та’минланади. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистонда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлса-да, ҳали самарали бошқарув тизими шаклланмаган. Ноқонуний эгаллаш, экологик деградация, ҳуқуқий бўшлиқлар ва заиф назорат каби муаммолар ерга мас’улиятли муносабатни шакллантиришда тўсқинлик қилмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳуқуқий асослар мустақамланиши, мониторинг ва назорат тизими кучайтирилиши, экологик муҳофаза чоралари кенгайтирилиши ва иқтисодий рағбат тизими жорий этилиши лозим. Фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат идораларининг ҳамкорликда ишлаши ва инновацион ёндашувларни татбиқ этиш орқали ер бошқаруви янада шаффоф ва самарали бўлиши мумкин. Натижада, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш та’минланиб, келажак авлод учун барқарор экотизим яратилади. Ер фақат мулкый бойлик эмас, балки миллий фаровонлик ва экологик мувозанатнинг таянчидир. Уни ҳимоя қилиш – юрт истиқболи учун муҳим вазифадир.

#### References:

1. Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Т.: Uzbekistan, 2012
2. Land Code of the Republic of Uzbekistan. -Т.: Uzbekistan, 2012
3. Law of the Republic of Uzbekistan “On Farming”. New edition. -Т.: Uzbekistan, 2004
4. Law of the Republic of Uzbekistan “On Peasant Farming”. -Т.: Uzbekistan 1998 Y.
5. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 22 "On measures to transform agricultural enterprises into farms" -Т.: 2002.
6. Instructions on bringing to administrative responsibility violators of land legislation by the bodies of the State Committee of the Republic of Uzbekistan for Land Resources, Geodesy, Cartography and State Cadastre. -Т.:2021
7. Babajanov A. R, Ru'ziboev S. B, Majitov B. X, Fundamentals of Land Use Textbook..Т.:2018.
8. S. Avezbayev, S. N. Volkov Scientific foundations of land management Т.:2006.
9. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5853 dated October 23, 2019 “On approval of the Strategy for the Development of Agriculture of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030”.
10. Tursunov S.R., Eshnazarov A.A. “Scientific and practical tasks for the implementation of the goal of land resource management” "Economy and Society" No. 10(113) 2023